



1917 йилнинг 27 феввалида Петроградда рўй берган инкилобий воқеалар натижасида чор хокимияти ағдарилиб ташланди. Тарихга Февраль инкилоби сифатида кирган бу воқеалар хақидаги хабарни 3 мартга қадар Туркистон генерал-губернаторлиги эълон қилмай турди. Мутлак истибдодга асосланган давлатнинг қайта тикланишига умид боғлаган Куропаткин Февраль инкилоби хақидаги хабарни маълум вақтгача сир тутди. Нихоят, Петрограддаги қаби, Тошкентда ҳам Ишчи ва солдат депутатлари шўролари тузилгач, у ўзини Муваққат ҳукуматнинг Туркистондаги мухтор вақили деб эълон қилди.

Лекин "ок подшо"нинг ағдариб ташлангани хабари маҳаллий аҳолини аллақачон жунбушга келтирган, зулм қишанларининг парчаланишини қутган зиёлилар инкилобий қайфият билан йўғрилган ва Туркистон бўйлаб хуррият шабадаси эса бошлаган эди. Ана шу шабаданинг қучайиши оқибатида ва собиқ чор ҳукумати тасарруфида кечган демократик ўзгаришлар тақозоси билан 1917 йил 27 ноябрда Қўконда тўпланган 1У Умуммуслмонлар қурултойи Туркистонда мухтор ҳукумат тузилганини эълон қилди. Большевиклар "Қўкон мухторияти" деб атаган ва яқин-яқингача тухмат ва бўхтон тошларига гирифтор бўлган ХХ асрдаги дастлабки мустақил Туркистон давлати шу тарзда юзага келди.

"Ўзбекистон ССР тарихи"нинг 1967 йилда чоп этилган 1У жилдида: "Қўкон мухторияти" пролетариат диктатурасини ағдариб ташлаш, зулмга асосланган феодал тузумни тиклаш ва Туркистонни Англия мустамлақасига айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У амегиқалик-англиялик империалистлар ёрдамида "мухторият" байроғи остида меҳнатқашларни Совет хокимиятига қарши қурашга рағбатлантириб, галамислик қилди", деб ёзилган. Бошқа илмий адабиётлардаги Туркистон мухтор давлатининг баҳоси ҳам шундан асло фарқ қилмайди. Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон синғари ўзбек халқининг ор-номуси бўлмиш зотлар Туркистон мухториятининг ташкилотчилари бўлгани учун ҳам узок йиллар мобайнида бадном этиб келинди.

---

**Февраль инкилобидан кейинги вазият**

Февраль инкилоби галаба козониши билан муваккат ҳукумат номидан эълон қилинган мувожаатномада, жумладан, Туркистон халқларига ҳам манзур ва маъқул бўлган бундай сўзлар бор эди:

"Русия давлати фуқаролари. Буюк воқеа рўй берди. Рус халқининг қудратли ҳаракати билан эски тартиб ағдариб ташланди. Янги овоз Русия вужудга келди. Буюқ тўнтариш узок давом этган кураш йилларига яқун ясади. 1905 йил 17 октябрь фармони билан Русиядаги уйғонган қучларнинг тазйиқи остида конституцион овозлик ваъда этилган эди. Аммо бу ваъдалар бажарилмади. Халқ орзу-умидларининг ифодаси бўлган биринчи Давлат Думаси тарқатиб юборилди. Иккинчи Думанинг ҳам қисмати шундай бўлди ва халқ хоҳиш-иродасини енгилмади. Халқ қудратли бўлмаган ҳукумат 1907 йил 3 июнь фармони билан қонунчилик фаолиятида иштирок этиш учун берилган ҳуқуқларнинг бир қисмини аҳолидан тортиб олди.

Ўн йиллик узок давр давомида эришилган барча ҳуқуқлар халқдан бирма-бир тортиб олинди, мамлакат яна ўзбошимчилик ва мутлак ҳокимлик ботқоғига ботди. Ҳокимиятнинг оқил бўлиши йўлида қилинган ҳар қандай уринишлар зое кетди, душман Ватанимизни буюқ жаҳон курашига жалб этган бир пайтда халқ билан бир тан ва бир жон бўлмаган, Ватан тақдирига лоқайд қараган ва гуноҳи азим остида қолган ҳокимият маънавий тушқунлик ҳолатида эди. Дахшатли ички вайронагарчиликдан қилласи қуриган армиянинг қаҳрамони хатти-ҳаракатлари ҳам, миллий ҳавф-хатар олдида қирлашган халқ вакилларининг даъватлари ҳам қирқилди император ва унинг ҳуқуқларини халқ билан қирлаштириш йўлига бошлай олмади..."

Муваккат ҳукумат 1917 йил арафасида вазиётга бундай одилна баҳо берибгина қолмай, Таъсис мажлис қақирилгунга қадар фуқаролар овозлиги ва тенглигини қафолатловчи мезонларни қудлик билан ишлаб қилқиш, фуқароларга рухий қучларини Ватан манфаати йўлида сарқиллаши учун шарт-шароитлар яратиш ваъдасини ҳам қирган эди.

Феодал турмуш тарзи ва ярим асрдан бери давом этаётган мустамлақачилик туфайли Туркистон аҳолиси оғир иқтисодий ва ижтимоий аҳволни бошдан қечираётган эди. 1905-08 йиллардаги рус, турк ва Эрон инқилоблари қонги билан уйғонган ўзбек қилқиллари қадидчилиқ ҳаракатини ташқил этиб, мудроқ халқни уйқотиш, мамлақатни қолоқлик ботқоғидан олиб қилқиш мақсадида янги усулдаги мақтабларни, таракқийпарвар қояларни олға сурган газета ва журналларни, театр труппаларини вужудга қелтирган эдилар. Қелажак ҳуррият иштиёқида қидойиларча меҳнат қилаётган қадидларга қор ҳокимиятининг ағдалиб, Муваккат ҳуқуқларнинг давлат теқасига қелиши ва демократиявий ислохотларни қўллаб-қувватлаши айни муддао бўлди.

Лекин бу даврда қадидлар халқни уйқотиш ва унинг ижтимоий фаоллигини оширишга қанқалиқ қиддий қилқишган ва муайян самараларга эришган бўлмасин, на халқ, на уларнинг ўзи етарли даражада уюшган эди. Шунинг учун ҳам Туркистонда Февраль инқилобидан кейин вужудга қелган тарихий шароитдан тўлиқ қойдаланиши мүмкин бўлган ягона уюшган қуч — Ишчи ва солдат қойқилари шўроси, ўша давр ифодаси билан айтганда, Ишчи ва солдат шўролари, яъни рус большевиклари эди. Ишчи ва солдат шўролари эса нақат Тошқент, балки Туркистоннинг бошқа шақарларида ҳам қун сайин урқиб, қатта қилқил қучга айланиб бормоқда эди. Кейинқалиқ Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишида хал қилқилчи ўрин тутган бу қуч дастлабки қадамдан бошлаб мақаллий халқ вакилларидан ҳоли давлат идораларини барпо этишга ҳаракат

килди.

Февраль инкилобига кадар Петроградда Давлат Думаси кошидаги мусулмон фиркасининг Туркистон масалалари бўйича котиб бўлиб ишлаган мухтарам бир зотнинг ўша кезларга оид куйидаги эсдаликлари тарихни бир кадар ойдинлаштиради. Ул зот 1917 йилнинг 10 апрелида Тошкентга етиб келиб, шу куни очилган Туркистон вилоят Ишчи ва солдат шўроларининг курултойида иштирок этади ва ажабтовур манзаранинг гувоҳи бўлади:

"Залга кирган чоғимда,— деб ёзган эди у,— мен танимайдиган бир рус минбарда эди. У кишининг кайраб-кайраб, такрорлаб сўзлаган сўзларидан куйидагилар хотирамда:

"Инкилобни рус инкилобчилари, рус ишчилари, рус солдатлари амалга оширди. Шунинг учун ҳам Туркистонда ҳам идора, хокимият биз — русларникидир. Ерлилар биз нима берсак, шу билан каноатланиши керак..."

Бу сўзларни Кўкондан келган муаллим, халкчи социалчилар гуруҳига мансуб Некора исмли кимса айтган эди. Февраль инкилобидан кейинги Туркистондаги сиёсий вазиятни Некорага ўхшаш кимсалардан иборат Ишчи ва солдат шўролари, яъни ўлкадаги бир сиким рус мухожирлари идора килиб турар, куруллий кучлар, почта ва телеграф, бошка давлат тузилмалари ҳам фақат улар ихтиёрида эди. Туркистондаги барча ҳуқуқ ва имтиёзларига ворисликни даъво қилган бу кучлар, гарчанд ўзларини большевиклар, халкнинг миллий манфаатларини химоя қилувчи кишилар деб атасалар-да, хали Октябрь тўнтарилишини ясамай туриб, маҳаллий халкнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этаётган эди. Ана шундай сиёсий-ижтимоий шароитда маҳаллий зиёлилар ўртасида тугилиб бораётган миллий марказни ташкил этиш гоёси тарих ва ҳаёт тақозоси билан кун тартибига чиқди.

---

### **"Шўрои ислом"нинг вужудга келиши**

Февраль инкилобининг акс садоси Тошкентда март ойида айникса авж олди. Турли-туман жамиятларнинг вакиллари шаҳар Думаси жойлашган бино олдига йигилиб, янгидан-янги сиёсий тузилмаларга аъзо сайлай бошлади. Вактнинг ганимат эканини сезган жаҳидлар ҳам жонланиб, Янги шаҳарда ташкил этилган ижрокўмга ўз вакилларини киритиш пайига тушдилар. 6 март куни бўлган вакиллар сайловида Эски шаҳарда ташкил этилган тўрт жамиятдан ижрокўмга саккиз нафар вакил киритишга эришилди. Жаҳидлар шу билан қифояланиб қолмай, 9 март куни Чорсудаги Жоме масжидида кўп минг кишилик йигин ўтказдилар. Баъзи маълумотларга қараганда, шу куни масжид ва унинг атрофига йигирма мингдан зиёд киши тўпланган. Мажлис катнашчилари таникли адвокат Убайдулла Хўжаевни раис, Мунавваркорини раис ўринбосари, Исломбек Худоёрхоновни эса котиб этиб сайлаганлар. Хуррият қурбонлари руҳига ўқилган тиловатдан кейин полицмейстер Колесников ўрнига Исломбек Худоёрхонов Эски шаҳар хокимиятига бошлик этиб сайланди. Шундан кейин йигилиш катнашчилари Ишчи ва солдат шўроларига ўхшаш маҳаллий халқ вакилларидан иборат жамиятни таъсис этишга киришдилар. Жамиятни қандай номлаш ҳусусида бўлиб ўтган

бахслардан сўнг Мунавваркорининг "Бу ерда тўпланган кишилар мусулмон аҳолининг вакиллари дир. Шунинг учун ҳам жамиятимизни "Шўрои ислом" деб номлаш ўринли бўлади", деган сўзлари ҳаммага манзур бўлди. Шу тарзда Туркистоннинг 1917-18 йиллардаги сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган "Шўрои ислом" жамияти юзага келди. Дарвоқе, 10-11 март кунларида жадидларнинг сиёсий-маърифий дастурларига қарши бўлган уламо, амалдор ва бойларнинг хатти-ҳаракатлари билан "Шўрои ислом" хайъатига сайланган кишилар ҳақида турли-туман миш-мишлар тарқатила бошлади. Натижада йигирма минг кишилик йигин томонидан сайланган вакиллар номзодларини қайтариб олди. Эндигина тузилган жамият тақдири, демакки, маҳаллий халқнинг ҳам тақдири ҳавф остида қолди. Ана шундай қалтис бир пайтда илгор қарашли ёшлар ташаббусни қўлларига олиб, 13 март куни яна умумхалқ йигини ташкил этдилар. "Таҳминан қирк минг халқнинг бир ерга йигилмоғи,— деб ёзган эди шу йигин ҳақида "Нажот" газетаси,— ва бир оғиз гапга қулоқ срилиб, қамоли тинчлик ила машварат ва қарорлар беришмоғи, эҳтимол, Туркистонда биринчи мартабадур".

Чиндан ҳам Тошкентда, эҳтимол, бутун Туркистонда бундай қўп минг кишилик йигин биринчи бор ўтказилиши эди. Шу нарса қувонарлики, олдинги йигинда сайланган қирк киши, айрим ўзгаришлар билан ўринларида қолди. Халқуларга қайта ишонч билдирди. Тошкент шаҳри ижрокўми аъзолигига Убайдулла Хўжаев (Шайхонтоҳур даҳасидан), Тошпўлатбек Норбўтабеков (Қўкчадан), Зайниддинхўжа Саримсоқхўжаев (Себзордан) ва Абдусафийхон Ганихон ўғли (Бешёғочдан) сайландилар.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, ички Русиядан Шоҳиҳмедов, Мустафо Чўқай ўғли, Навширвон Яушев ва бошқалар келиб, "Шўрои ислом"нинг сиёсий жамият сифатида мустаҳкамланишига ҳисса қўшдилар. Апрель ойининг бошларида бошқа шаҳарларда ҳам "Шўрои ислом"нинг маҳаллий ташкилотлари очила бошлади. Янги ташкил этилган жамият зудлик билан ўзининг "Нажот", "Шўрои ислом", "Кенгаш", "Хуррият", "Эл байроғи" сингари газета ва журналларини чоп эта бошлади.

"Шўрои ислом" фаолиятига асос қилиб қуйидаги тадбирларни белгилаган эди:

- Туркистонда мусулмонлар ораси-да сиёсий, илмий ва ижтимоий жихат-дан замонга мувофиқ ислохот гоёларини тарқатиш;
- Туркистон мусулмонларини ягона фикр ва маслак атрофида бирлаштиришга қаратилган ишларни амалга ошириш;
- Бошқа мамлакатларнинг идора усулларини ўрганиб, Таъсис мажлисини ўтказишга тайёрланиш;
- Туркистоннинг ҳамма шаҳар, қишлоқ ва овулларида сиёсий, илмий ва ижтимоий хутбалар ўқитиш;
- Эски маъмурларни янгилари билан алмаштириш йўлларини халққа кўрсатиш;
- Туркистондаги турли миллат ва қиллари орасида бўлган ихтилофларни бартараф этиш ва бўлажак ихтилофларнинг олдини олиш ҳамда уларни бирлаштириш;
- Турли миллат ва фиркалар билан алоқада бўлиб, мусулмон халқининг талаб ва эҳтиёжларини ўз вакиллари орқали уларга билдириш ва лозим бўлганда, улардан ёрдам сўраш.

"Шўрои ислом" раҳбарлари, юқорида баён этилган дастуруламалдан кўринганидек, Туркистон халқларининг миллий манфаатларини қўзлабгина қолмай, келажакда демократик ислохотлар йўли билан қўп миллатли Туркистон мухтор давлатини барпо этиш ниятида ҳам бўлганлар.

Аммо, афсуски, жамият раҳбарлари "оламшумул" тадбирларга берилиб кетиб, "ички

ишлар"га кам эътибор қаратдилар. Натижада "Шўрои ислом" тез орада "жадидлар" ва "кадимлар"га бўлиниб кетди. 1917 йилнинг ёз ойларида "кадимлар" "Уламо" жамиятини туздилар.

Петрограддан тажрибали мусулмон сиёсатчилари келгани ва Ўлка марказий мусулмон шўроси тузилганидан сўнг бояги ҳар икки ташкилот мазкур шўро қошидаги бўлимлар сифатида фаолиятини давом эттирди. Бу икки ташкилот ўртасидаги, шунингдек, шўронинг бошқа вилоят бўлимлари орасидаги ички қураш ва зиддиятлар эса кундан-кунга авж олиб, Ишчи ва солдат шўроларига қўл келадиган ва ҳаракат майдонини уларга топширадиган вазият вужудга келди. Туркистондаги барча шаҳар ва вилоятларни назоратига олган Ишчи ва солдат шўролари эса маҳаллий халқнинг ризқ-насибасини қирқиш, талаш ва ҳақ-ҳуқуқини топташ билан машғул бўлди.

Кези келганда айтиш жоизки, Петроград Ишчи ва солдат шўросининг бошлиғи Н.С.Чхеидзе ҳам туркистонлик ҳамқасбларидан асло фарқ қилмаган. Мустафо Чўқайнинг ёзишига кўра, у Петрограддан Дошкентга қайтиши арафасида Чхеидзе билан учрашиб, унга Туркистон учун мухторият исташи тўғрисида сўзлаганида шўро бошлиғи бундай деган: "Оллоҳ ишқига, ўрток Чўқай ўғли, мамлакатда — юртдошпарингиз орасида мухторият ҳақида сўзламанг. Биринчидан, ҳозир бу тўғрида сўзлаш эрта. Иккинчидан, сизнинг Туркистон қаби бир мамлакатда мухторият дарҳол истиклол ва айрилиш томон қўйилган одим бўла-ди".

Туркистондаги Ишчи ва солдат шўролари ҳам маҳаллий халқ мунавварлари ўлка учун мухторият исташи ва шу йўлда ҳаракат қилиши эҳтимолини сезиб, Февраль инқилобидан кейин ўтган вақт ичида "социалистик инқилоб"га тайёргарлик кўра бошлади. Муваққат ҳукумат ҳали нафас олаётган пайтнинг ўзидаёқ Туркистон халқлари эркига чанг урган, "инқилоб қурбонлари фойдасига", деб ҳаддан зиёд оғир солиқлар солган, темирйўл орқали келтирилган галлани факат русларга бериб, шаҳар ва қишлоқларда очлик таҳликасини вужудга келтирган шўрочиларнинг мутлак ҳокимларга айланиши ўта ҳавфли эди. Шунинг учун ҳам Ўлка марказий мусулмон шўроси Туркистон халқлари тақдири "большевиклар қамчиси"га дучор бўлиб қолишдан ҳавотирланиб, терс қоралар қўришга жиддий равишда қиришди.

Сўнгги йўлларда ошқор бўлган маълумотларга кўра, Октябрь тўнтариши арафасида Кавказдан Сибирга Тошкент орқали ўн минг нафар чор армияси ўтган. Большевиклар таъсиридан ҳоли бўлган ана шу катта ҳарбий қуч уч-тўрт кун мобайнида Тошкентда тўхтаб турганида Мунавварқори ва Убайдулла Хўжаев қўшин қўмондони билан мулоқот қилган. Икки ўртадаги келишувга кўра, Ўлка марказий мусулмонлар шўроси, аниқроғи, "Шўрои ислом" шу қўшин ёрдамида ҳокимият тепасига келиши лозим эди. Сўнг қўшин Марказий Туркистон давлати расман шаклланиб қучга қиргунга қадар шу ерда туриши, Ишчи ва солдат шўроларини қуролсизлантириши, кейин эса ўз қурол-яроғларини ҳам Туркистон ҳукумати ихтиёрига топшириб, тарқалиши зарур эди. Қўшин қўмондони билан келишувга кўра, туркистонликлар қарданига факат молиявий ҳаражатларни олганлар. Бунинг учун, эса икки миллион сўм дарқор бўлган. Мунавварқори билан Убайдулла Хўжаев дарҳол тошкентлик бойларни йиғиб, қенгаш ўтказган. Бойларнинг аҳвол-руҳиясидан яхши хабардор бўлган Мунавварқори шу йиғинда уларга қарата бундай деган:

«Агар сиз, мухтарам аъёнларга мурожаат этиб, дини ислом фойдасига маълум бир маблағни ажратишни сўрасалар, сизлардан шу маблағни олиш ит азоби билан тенг

бўлади. Миллат фойдасига деб сўралганда ҳам шундай ахволни кўрамиз. Сизларга факат ўз манфаатингиз бўлса бўлгани. Хозирги вақтда хусусий мулкни асло тан олмайдиган большевойлар фиркаси инкилоб қилишга шай бўлиб турибди. Агар шу фирка хокимият тепасига келса, сизларнинг ҳамма молу мулкингиз — уйингиз ҳам, бог-роғларингиз ҳам, олтин-кумуш-ларингиз ҳам беистисно улар кўлига ўтади. Тошкент бойлари Мунавваркори ва Убайдулла Хўжаевнинг сўзларига ишонмадилар. Икки миллион сўм тўпланмагани боис миллий Туркистон давлати тузилмай қолди. Миллат озодлиги учун тўланиши керак бўлган арзон товон шу тарика тўланмай қолди ва бу тўлов етмиш тўрт йилга чўзилди — гоят кимматга тушди. 1917 йилнинг ноябрида большевиклар қуролли кўзголон йўли билан Ички Русиядан кейин Туркистондаги хокимиятни ҳам эгаллади. Совет хокимиятининг дастлабки кунларидаёқ маҳаллий бойлар кўлида бўлган барча мол-мулк тортиб олинди. Орадан маълум вақт ўтгач, улар муш-тумзўр деб эълон қилиниб, Сибирь ва Украинага сургун қилинди.

---

### Октябрдан кейинги вазият

Туркистонда яшаган барча рус мухожирларини большевиклар сирасига киритиш инсофдан эмас. Улар орасида турли фиркаларга мансуб, демак, большевикларнинг дастуруламаларига қарши бўлган кишилар ҳам оз эмас эди. Шулардан бири, Фарғонада нашр этилган "Знамя свободи" газетасининг муҳаррири, меньшевик Г.Павлюченко Октябрь тўнтаришининг дастлабки кезларида бундай деб ёзган:

"Кўплаб қурбонлар ва диккатбозликлар натижасида кўлга киритилган хуррият барча халқларга бирдай мансуб бўлиши ва уларга ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз турмушини ўзи қуриш имкониятини бериши зарур. Биз, Осиё халқларининг кўплаб оммалари истикомат қилаётган Туркистонга келиб қолган овруполиклар, демократиянинг асосий ўлчови — халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши ҳақидаги мезонни эътиборга олишимиз лозим".

1917 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Русия халқлари ҳуқуқлари баёнотомаси"да ҳам бош ургу шу "мезон"га қаратилган эди: "Халқ Комиссарлари Кенгаши Русия халқлари ва элатлари масаласи бўйича ўз фаолияти асосида қуйидаги ибтидоларни қўяди: Русия халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашидан то ажралиб чиқиш ва мустакил давлатни барпо этишга қадар бўлган ҳуқуқни, барча ва ҳар қандай миллий ҳамда миллий-диний имтиёзлар ва чекланишларни бекор қилишни..."

3 декабрда қабул қилинган "Русия ва Шарқдаги барча мусулмон меҳнатқашларга" деган мурожаатда эса мана бундай сўзлар ҳам бор: "Ўз миллий турмушингизни эркин ва қийинчиликсиз қуриш. Шунинг билан, сизнинг ҳуқуқларингиз, Русиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари сингари, инкилоб ва унинг идоралари, Ишчи, солдат ва дехкон ноиблари шўроларининг барча қуч-қуввати билан муҳофаза этилади".

Туркистондаги шўро ҳуқуқмати бу баёнотнома ва мурожаатномадан хабардор бўлибгина

колмай, балки Владимир Ленин номига йўлланган телеграммада "Хўп бўлади, бажарамиз!" кабилидаги сўзларни ҳам ёзган. Аммо 15-22 ноябрда бўлган Шўроларнинг 111 ўлка курултойи баёнотномасига: "Хозирги вақтда мусулмонларни ўлка олий инкилобий идораларига киритиш мумкин эмас, зероки, махаллий аҳолининг Ишчи, солдат ва дехкон ноиблари шўроси хокимиятига муносабати ноаниқ: махаллий аҳоли ўртасида пролетар синфий ташкилотлари йўқки, уларнинг ўлка олий хокимияти идораларидаги вакиллари фракция табриклаган бўлсин", деган сўзларни уялмай-нетмай кўшиб қўйганлар.

Бир томондан, Русиянинг собиқ мустамлакаларига ўз тақдирини ўзи хал этиши ҳукуки берилган, иккинчи томондан, Туркистонда Октябрь тўнтариши натижасида хокимият тепасига чиқиб олган Ишчи ва солдат шўроларининг махаллий халқни ҳамон эзаётгани ва шовинистик сиёсат юритаётганини кўрган Миллий марказ катъий ҳаракат пайти келганини тушунди. Марказ турли вилоятлардаги бўлимларига ўлка тақдири масаласида мурожаат этди ва Сирдарё, Фарғона, Самарканд вилоятлари бўлимларидан Ўлка мусулмонлар курултойини зудлик билан чақириш тўғрисидаги талабларни олди. Еттисув ва Туркистоннинг айрим туман бўлимларидан ҳам шундай талаблар тушди.

22 ноябрда тугаган Ишчи, солдат ва дехконлар шўросининг III курултойида 26 ёшли Ф.Колесов бошчилигида Халқ Комиссарлар Кенгашининг таъсис этилиши ва бу кенгашга, одатдагидек, бирорта ҳам махаллий халқ вакилининг киритилмагани воқеаларнинг кейинги оқими тезлаштириб юборди. Ушбу сиёсий воқеага жавобан 26 ноябрь куни Кўконда Ўлка мусулмонларининг фавкулудда IV курултойи чақирилди.

---

## Туркистон мухтор давлатининг тузилиши

Курултойнинг биринчи куни ташкилотчилардан бири Русия ва Туркистоннинг сиёсий ҳамда иқтисодий аҳоли тўғрисида маъруза қилиб, сиёсий танглик билан бирга озик-овқат танқислигидан чиқиш йўлларига ҳам тўхталди. Ушбу масала бўйича бошқа нотиклар ҳам кенг муҳокама юритдилар. Курултойнинг иккинчи куни, яъни 27 ноябрь кеч соат олтида эса "Туркистон ўлкасида бўлгон халқларнинг хоҳишлари бўйича, Буюк Русия инкилоби тарафидан берилган асосларга биноан федерация асосига бино қилинган ҳолда Туркистонни ерлик мухториятли (яъни территориалний автономиялик) эълон қиладур", деб ёзилган тарихий баёнотнома қабул қилинди. Бу баёнотномага кўра, Туркистон ўлкасида яшовчи барча миллатларнинг ҳуқуқлари ҳар жихатдан таъминланиши ваъда этилган эди. 26 ноябрда Туркистон Миллат Мажлисининг очилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланди. Шу куни Миллат Мажлиси аъзолари билан биргаликда Мухаммаджон Тинишбой ўғли раислигида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг қуйидаги аъзолари ҳам тасдиқдан ўтдилар:

Мухаммаджон Тинишбой ўғли — ҳукумат раиси ва Доҳилия нозири.  
Абдурахмон Ўразай ўғли — Доҳилия нозири муовини.

Убайдулла Хўжаев — Харбий ва милиция нозири.  
Мустафо Чўкай ўгли — Хорижия нозири.  
Ислом Шоҳиаҳмад ўгли — Молия нозири.  
Обиджон Маҳмуд ўгли — Озик-овкат ишлари нозири.  
Миродил — Нофия нозири.  
Хидоятбек Юргили ота ўгли — Зироат нозири.  
Носирхон — Маориф нозири.

29 ноябрь куни курултой Миллат Мажлиси ва ҳукумат аъзоларининг дахлсизлиги ҳамда муҳофазаси ҳақида қарор қабул қилиб, уларнинг бирортасига нисбатан зўронлик ўн миллионлик Туркистон халқларига нисбатан ҳақорат эканини эълон қилди. 30 ноябрь куни соат учда эса Кўконда мусулмонларнинг улуг намоёниши ўтказилиб, инқилоб самараларини саклаш ҳақида қасамёд қилинди.

Шу тарзда ўзбек халқининг илғор қатламларида қатта умид уйғотган Туркистон Мухтор давлати барпо этилди. Ўзбек миллий уйғониш ҳаракатининг фаолларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий "Хуррият" газетасининг 1917 йил 19 декабрь сонидан бу тарихий воқеани халққа бундай сўзлар билан етказди:

"27 ноябрда Хўқандда Туркистон Мухторияти умумий мусулмон съезди эълон қилинди. Муборак ва хабарли бўлсин! Камина ҳам мажлисда бўлиши учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон Мухторияти!

... Бул бобдаги ўз билишимдан бир оз маълумот бериб ва ҳам мухторияти-мизнинг мухтасар тарихидан ёзмақчиман. Чунки мухториятдан кўрқувга (уруш бўлур деб) тушган баъзилар кўринадур. Ай азиз мусулмон биродарлар! Ай Оврупо, ай ҳам ватандошлар! Билинги, ушбу сана апрель ойинда Тошкентда, бутун Туркистоннинг Рус ва мусулмон ижроияси комитети аъзолари йигилиб, иттифок ила ушбу қарорни бериб эдилар..."

Бехбудийнинг бу сўзларидан кўринадики, Туркистон Мухторияти гоёси 1917 йилнинг Февраль инқилобидан кейин «Шўрои ислом»чилар даврасида тугилган.

Бехбудий ўша йилнинг 22 декабрь куни "Хуррият" газетасида яна "Туркистон Мухторияти" номли давомли мақоласини эълон қилиб, унда бундай сўзларни ёзди:

"Туркистоннинг ҳар тарафидан 300 қадар киши мунда бор эди. Яъни вақолат ила юбориб эдиларким, бунинг қатта бир қисми уламо ва машойих эдилар. Рус, яҳудий ва арманлардан ҳам вакиллар бор эди. Биргина киши бўлсин, бу Мухториятга ҳеч бир фирқадан муҳолифат этмади..."

Хулоса, барча матфу эди. Бутун вакиллар ижмоҳ этган эдилар ҳамда беш-ўн минг жамоат ила бирга Туркистон Мухторият исломиясининг, қон ила бўлса ҳам, бутун мол ва жонларини фидо этиб, маҳкам тутмоқга, "ло илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ" ёзилган қизил ва яшил, ой ва юлдузли илму саодат остинда йигилиб, аҳд этдилар ва тақбирини ўн минглар ила умут маҳмудия(с) арши аълога етқуриб, бутун уфқга гулгула солганларидек, олам болони ҳам ва лулазор этдилар. Оқшомгача бутун Хўқанд кўчаларидан, мактаб ва мадрасаларидан тақбир овозлари чиқур эди. Заҳи саодат!"

Бехбудийнинг бу сўзларидан Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши маҳаллий халқ ва турли вилоятлардан қелган вакиллар учун қатта миллий байрам бўлгани маълум бўлади. Чўлпон ҳам ана шу умумхалқ байрами таъсирида "Оллоҳу Акбар" шеърини ёзган. Атоқли шоир бу шеъри билангина қифояланиб қолмай, яна " Озод турк байрами"



шеърини ҳам яратди. Ўша йиллари Ўзбекистонда машхур бўлган турк шаркиядари охангида ёзилган бу шеър юзлаб варакалар шаклида таркатилиб, Мухториятнинг мадхияси сифатида куйланди:

Кўз очинг, бокинг хар ён,  
Кардошлар, кандай замон!  
Шодликка тўлди жахон,  
Фидо бу кунларга жон.

Чўлпоннинг шундай жўшқин сатрлар билан бошланувчи мадхияси турли йигин ва намойишларда янграб, янги давлатга халқ ишончи ва меҳр-мухаббатини уйготди. Ўзбек халқининг тарихий тақдирида катта ўзгариш содир бўлганини сезган шоирлар Туркистон мухториятини олқишлаб талай шеърлар яратдилар. Чунончи, Хамза Хақимзода Ниёзийнинг "Туркистон мухториятина", Хайбатулла Алиевнинг "Туркистонга", "Мухторият шодлиги" сингари шеърларида ана шу мавзу теран ёритилди.

Туркистон Мухториятининг раҳбарларидан бири ўз хотираларида бундай деб ёзган: "Биз у замондаги Мухториятни бундай тушунардик: Туркистоннинг ўзига махсус идора ва ижроия масалалари, яъни конун ишлаб чиқарадиган парламенти ва ишни юритадиган ҳукумати бўлиши эди. Ташки сиёсат, молия, йўллар, харбий ишлар Умумрусия федерацияси ҳукуматининг иши деб таниларди. Маориф ишлари, маҳаллий йўллар масаласи, маҳаллий идоралар, адлия ҳамда ер масалаларининг ҳаммаси мухторият ҳукумат ишлари деб қараларди. Биз, хусусан, тупрок-ер масаласига аҳамият берардик. Ўрду қурилиши масаласига ҳам бир канча асос ўзгартмалар киритмокчи эдик. Масалан, Умумрусия учун қурилган қўмондонлик назоратида бўлиш билан туркистонликларнинг аскарий хизматларини Туркистонда қўриб, Туркистонда қолмоклари биз учун муҳим бир масала эди.

Бизнинг у замонги асосий режамиз ана шундан иборат эди. Тафсилотга киришмадик. Бизнинг энг муҳим уринишларимиздан бири миллий кадрлар масаласи эди. Исталган принципларни эълон этиш мумкин. Хар нарсани, қўлдаги ойни ишташ мумкин. Фақат керакли кадр бўлмаганда, керакли инсон қучи ва бошқа воситалар топилмаганда, бутун бу гўзал тилақлар қурук сўздан иборат бўлиб қолади..."

Маълум бўлганидек, мухториятчилар Русиядан мутлақо ажралиб чиқиш ва фақат Туркистон мусулмонларининг манфаатларини қўзлайдиган давлатни барпо этиш вазифасини зиммаларига олмаганлар. Улар мавжуд ижтимоий ша-роит ва тарихий имкониятга асосланган ҳолда мустиқил ўзбек давлатини барпо этиш йўлида дадил бир қадам ташлаганлар, ҳолос. Лекин ана шу камтарона ҳаракат дастури ҳам юрагида мустамлақачилик қони гупуриб турган большевикларнинг Туркистондаги "хаётий манфаатлари"га тамомила зид эди.

---

## Конга ботирилган мухторият

13 декабрь Муҳаммад салоллоҳи алайҳи вассаламнинг мавлуд қуни эди. Эрта тонгдан

Шайхонтохур масжиди сари турли тарафдан одамлар окиб кела бошлади. Соат ўн иккида бу ерда кўп минг кишилик йигин бўлди. Унга хатто Янги шаҳардан ҳам "Туркистон ўлкасига — мухторият!" сўзлари ёзилган байроқлар кўтарган вакиллар келди. Соат тўққиз яримда эса Ўрда кўприги ёнида икки-уч минг кишилик бошка оломон пайдо бўлди ва бу оломон ҳам Шайхонтохур масжидига бориб, митингчилар сафига кўшилди.

Афтидан, бу оломон орасида игвогарлар ҳам оз эмас эди. Улар саъй-харакати билан митинг катнашчиларининг бир қисми Янги шаҳарга йўл олиб, Москва кўчасида жойлашган камокхонадан Муваккат ҳукумат Туркистон кўмитасининг ҳарбий комиссари Дорерни озод қилди. Ана шундай игвогарлик ҳаракати натижасида отишма бўлиб, Эски шаҳардан келган 16 киши ҳалок бўлди. Бу тасодифий воқеа бўлмай, Тошкентда ҳам мухториятни эълон қилишга уринган кучларга қарши берилган онгли зарба эди.

Аммо мухториятчилар ўзлари сари келаётган хавф-хатар олдида пусиб қолмай, Кўконда 26 декабрь куни чақирилган Ишчи ва солдат мусулмон ноибларининг Фавкулудда I курултойида халқдан шаходат олишга эришдилар. Курултой Туркистон Мухториятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилгач, Владимир Ленин номига телеграмма билан мурожаат этиб, ундан ўлкага ҳокимлик даъвосидан воз кечиш ва бу ҳокимиятни Туркистон Мухториятининг муваккат ҳукуматига топшириш ҳақида Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгашига кўрсатма беришни сўради. Мухториятчиларнинг эътироф ҳақидаги талабларини Умумрусия мусулмонлари миллий шўроси кўллаб-қувватлади. Вазият мухториятчилар фойдасига ўзгараётганини сезган большевиклар мухториятнинг, шунингдек, уни кўллаб-қувватлаган кишиларнинг шахсий ҳисобларидаги барча маблағни мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқарди. 29 декабрда эса бутун ўлка бўйлаб камал ҳолати эълон қилинди. Тошкент шўроси ва бошка жойлардан Кўкон шўросига тинимсиз равишда ҳарбий мадад юборила бошлади. Мухториятчилар билан большевиклар ўртасидаги қураш тобора кескин ва муросасиз тус ола бошлади.

Мухториятчилар 11 февралдан 12 февралга ўтар кечаси оқ гвардиячилар ёрдамида Кўкон кўргонига ҳужум уюштирди. Уларнинг бошка бир қуролланган қисми телефон станциясини эгаллаб олди. Аммо Кўкон ҳарбий инкилобий кўмитаси телеграф ва телефон алоқаси узилгунга қадар содир бўлаётган воқеа тўғрисида Тошкентга хабар бериш ва ҳарбий ёрдам сўрашга улгурган эди. 13 февраль кечаси соат учда Фарғонадан тўртта замбарак ва тўртта пулемёт билан қуролланган 120 (айрим маъпумотларга қараганда 146) кишилик ҳарбий қисм етиб келди. Шу туннинг ўзидаёқ инкилобий кўмита Мухторият ҳукуматига талабнома йўллаб, қундузги соат учга қадар қурол-яроғни топшириш, ваколатларидан воз кечиш, шўро ҳукуматини тан олиш шартини қўйди. Мухторият аъзолари большевиклар талабини жавобсиз қолдирдилар. Шундан кейин инкилобий кўмита Мухторият ҳукумати аъзоларини ҳибсга олиш тўғрисида қарор чиқарди.

"1917 йил. Хотира парчалари" китобида муаллиф ўша воқеани бундай эслайди: "Кўкон шаҳри ўққа тутила бошланди. Ҳар томонда ўқ отишлари, қўл бомбаси эшитиларди, узокдан тўп гурилтиси келарди. Большевиклар бизга ўз вакилларини юборди ва менинг Кўкон ҳарбий инкилобий кўмитасига топширилишимни талаб этди... Кўкон ҳар тарафдан ўраб олинган эди. Самарканд, Тошкент ва Фарғонадан большевик аскарлари келди... Шунингдек, ҳар томондан бизнинг одамлар ҳам келди. Бирок уларнинг кўпчилиги узун таёқ, болта, буюк пичок каби нарсалар билан қуролланган эди..."

18 февралда "Уламо" жамияти ташаббуси билан Мухториятда тўнтариш юз берди. Мустафо Чўкай ўғли бошчилигидаги ҳукумат маҳкамаси ағдарилиб, Эргаш кўрбоши Кўкон

хони деб эълон килинди.

18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан ўлка харбий комиссари Е.Л.Перфильев бошчилигидаги замбараклар билан курулланган кўшин етиб келди. Парфильев шахарни уч тарафдан ўраб олиб, 19 февраль куни эрталаб соат ўндан ўн беш дакика ўтганда Эргашга талабнома йўллади. Эргаш унинг талабларини бажаришдан бош тортгач, Перфильев Кўконни 12 замба-ракдан ўкка тутди. Кундуз соат бирда бошланган ўк ёмгири шомгача шахарни вайрон этиб ташлади. Аммо шунга ка-рамай, мухториятчилар таслим бўлмай, хар бир бинони, хар бир дўконни, хар бир карвонсаройни мардларча химоя киладилар.

Азиз Ниалло — Станишевский "Киргизистон ва Ўрта Осиёда инкилоб хамда фукаролар уруши тарихи очерклари" китобида бундай маълумотни кайд этган: "Кўкон Мухторияти"ни тугатишда кўшин-ларга кўмондонлик килган "сўл" эсер Профильев мухториятчиларга карши курашга дашнок дружиначиларни жалб этди, улар эса Эски шахарга бостириб кириб, ўгрилик ва мусулмон ахлига зўравонлик килиш билан шугулланди. Биринчи навбатда, маълумки, шахарлик бева-бечораларга, шунингдек, Кўкондаги бехисоб хунарманд ва майда савдогарларга шикаст етказилди. Эски шахардан кишлоклар сари талпинган кочоклар оломони Фаргона вилоятининг кўшни уездларидаги гулгулани кучайтириб юборди".

Кўкон уч кун машъала бўлиб ёнди. Уйлар, газлама омборлари, нон дўконлари куйиб кул бўлди. Инглиз разведкаси маълумотига кўра, шу фожиали воқеалар оқибатида уч минг киши халок бўлган. Лекин махаллий манбалар бу ҳақда бошқача маълумот беради. Мухторият тор-мор этилгандан кейин дашноклар гуруҳи шўро дружинаси байроги остида шахарни тўккиз кун давомида талаган ва ўн минг кўконликнинг ёстигини курутган. Кўкон касалхонасида даволанаётган бемор ва ярадорлар бинога кўшиб ёкиб юборилган. Кўкон пахта тозалаш заводи ишчиларидан 50 нафари оиласи билан пичоклаб ўлдирилган. Дашноклар кўконликларнинг кўл-оёқларини чопган, аёлларнинг кўкракларини кесган, болаларни эса беда киркадиган жодидан ўтказган. Бундай вахшийликлар инсоният тарихида шу пайтгача бўлмаган эди.

Турор Рискулов "Дашноклар Фаргонада нималар килди?" деган мақолада бундай сўзларни ёзган: "Кўконда отишма тўккиз кунча давом этди ва хар хил боскинчиликлар содир бўлди. Бойликка ўч бўлган дашноклар дархол ўлжа излашга тушди. Шу мақсадда бутун шахар бошдан-оёқ тинтиб чиқилди. Бизнинг замонда мўъжиза юз бериши кийин, бироқ инкилоб бу ҳақиқатни хар кадамда инкор килмокда. Хусусан, дашноклар Кўконга кирганидан кейин бакколлар, сартарошлар, вино сотувчилардан иборат бўлган армани ахоли шу захотиёк жанговар инкилобчига айланди ва отрядга кўшилиб, шахарни вайрон килишда катнашди. Дўконлар, расталар, умуман, нимаики вайрон килиш мумкин бўлса, хаммаси вайрон килинди... Оммавий киргин бошланди. Бу воқеадан сўнг халк большевиклар, мухториятчилар айтганларидек, боскинчи, худосиз, мусулмонларнинг душмани эканига шубҳа килмай кўйди".

Туркистондаги большевик раҳбарлардан бири Дмитрий Манжара хотираларида Кўкон воқеаларига тўхталиб: "Биз мухториятчилар ўрнашиб олган Эски шахарни ўраб олиб, уларни таслим бўлишга мажбур килиш ўрнига Эски шахарга карата замбаракдан ўт очдик, кейин курулланган дашноклар ва бошка отрядларни юбордик", деб большевиклар йўл кўйган хатони эътироф этган. Аммо бу хатогина эмас, балки мухториятчилар ва уларга хайрихоҳ бўлган шахар ахолисига нисбатан хам "большевикларча газаб ва нафрат"нинг (Ленин ибораси) амалий ифодаси эди.

Шўро даври тарихининг бу дахшатли саҳифасини ўз кўзи билан кўрган кишилардан бири мана бу сўзларни ёзган: "Кенг юртимиз курбон бўлган ўз болаларининг кони билан сувланиб, уларнинг тани билан копланди. Мингларча Туркистон йигитлари янги никоб кийиб чиккан эски мустамлакачиларга карши курашда ўлдилар. Шу тарика севинч, умидлар билан карши олинган инкилоб умумий миллий фожиамиз шаклини олди". Убайдулла Хўжаев орадан бир канча вақт ўтиб — Туркистон Мухторияти кишилар хотирасидан ўча бошлаган пайтда, бундай ёзган экан: "Туркистон Мухторияти "калби"ни биз уч киши — мен, Мустафо Чўкай ва Ислом Шохиаҳмад ўгли билар эдик. Агар бизнинг режамиздаги ишлар амалга ошса эди, Туркистон тез орада улуг бир давлат сифатида қайта тирилган бўларди".

---

### Сўнгсўз ўрнида

Перфильев бошчилигида юритилган харбий тадбирнинг ваҳшиёна натижалари Тошкент шўросининг 1918 йил 23 февралда бўлган йигилишида муҳокама этилди. Байналмилалчи меньшевик Х.Л.Вайнштейн бу хунрезликни текшириш ва оддий аскардан то отряд командиригача — айбдорларнинг барчасини жазолаш учун зудлик билан махсус комиссия тузишни талаб қилди. Аммо ўзини Туркистоннинг Ленини деб атаган ўлкадаги большевик раҳбарлардан бири И.О.Тоболин бу талабни эътиборсиз қолдирди. Лекин Туркистонда мухторият масаласи кун тартибидан тушмади. 1918 йил апрелда Туркистон ўлкаси шўроларининг V курултойи бўлиб ўтди. Курултой катнашчиларининг инкилобий ҳисоботига жавобан Ленин ва Сталин Тошкентга телеграмма йўллаб, унда "Халқ Комиссарлари Кенгаши ўлкангиз мухторияти шўролар асосида бўлишини қўллаб-қувватлайди", деган гапларни рақам этди. 30 апрель куни эса Туркистон ўлкаси шўроларининг курултойи "мехнаткашлар оммасининг хоҳиш ва иродаси"ни эътиборга олиб, РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасини тузиш тўғрисида баёнотнома қабул қилди. Шу тарзда шўролар андозаси асосида тузилган ўлка етмиш йилдан зиёд вақт давомида СССРнинг хомашё базаси — соғин сивири бўлиб қолди. Туркистон Мухториятини эълон қилиб, мустақил ўзбек давлатига XX аср бошларида тамал тошини қўйган аждодларимизнинг эзгу орзу-умидлари, ниҳоят, бизнинг давримизга келиб амалга ошди.

Наим Каримов